



# ЗАРАФШОНДАН ЗАР ОҚАДИ, ЖИЗЗАХ ЭЛИГА

*Ўтган йиллар мобайнида Жиззах вилояти аҳоли пунктларининг ярмидан кўпи марказлаштирилган сув таъминоти билан қамраб олинмагани глобал муаммолардан бирига айланаб қолганди. Мавжуд сув иншоотлари ўтган асрнинг 70-80-йилларида қурилган бўлиб, уларнинг эскириши оқибатида қувватлари З баробардан зиёдроқса қисқарган.*



**З**арарсизлантирувчи ускуналарнинг йўқлиги натижасида ичимлик сувининг кимёвий ва бактериологик кўрсаткичлари бўйича ифлосланиш даражаси юқорилиги учун вилоятнинг қатор туманлари қаторида Жиззах шаҳри аҳолисининг ошқозон-ичак салликлариға чалиниш даражаси юқорилиги кузатилган. Зарафшон дарёси сувидан фойдаланиш ҳисобига мазкур муаммони бартараф этиш лойиҳаси айни муддао бўлди. Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан «Сув таъминоти ва оқава сув обьектлари қурилиши бўйича Инжи-

ниринг компания» ДУК Жиззах вилояти худудий бошқармаси бошчилигига вилоятдаги ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимлари объектларида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг “ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан Жиззах вилояти аҳолисининг ичимлик суви таъминоти ва оқава сув хизматини яхшилаш мақсадида 39,6 млрд. сўм марказлашган маблағ ажратилган. Ушбу маблағлар ҳисобидан вилоятда жадал суратда ишлар амалга оширилмоқда. 5 та объектда қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

Зомин шаҳрида ичимлик суви тизимини реконструкция қилиш, оқава сув тизимини қуриш, Фориш тумани марказида ичимлик суви таъминоти тизимини реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш натижасида 27,2 мингдан ортиқ аҳолининг марказлашган ичимлик суви таъминоти тизимининг яхшиланишига эришилади.

Зарафшон дарёси сувидан фойдаланиш ҳисобига Жиззах вилояти аҳолисини ичимлик суви тизими таъминотини яхшилаш лойиҳаси доирасида қиймати 470,0 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши режалаштирилган. Умумий узунлиги 182 км бўлган сув тармоғи, сув кўтариш ва тозалаш иншооти, 10 000 м<sup>3</sup> сиғимли сув сақлаш иншооти қурилиши амалга оширилади. Вилоятнинг Бахмал, Галлаорол, Ш. Раши-

дов, Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл туманлари ҳамда вилоят маркази – Жиззах шаҳрида яшовчи қарийб 600 минг нафар аҳолининг азалий орзулари ушалиб, ичимлик суви таъминоти тизими тубдан яхшиланади.

Айни пайтда ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун 80 дан зиёд машина-механизм, 180 нафардан зиёд малакали қурувчилар меҳнат қилимоқда. Ҳозиргача ушбу объектда замонавий, талабларга жавоб берадиган диаметри 1200, 1000, 800 мм ли умумий узунлиги 24 км бўлган шиша- пластик қувурлар ётқизилмоқда.

Шунингдек, 2019 йил Инвестиция дастури доирасида вилоятнинг Фориш туманида ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

«Фориш тумани маркази ичимлик суви таъминоти тизимини реконструкция қилиш» объектида бугунги кунда 10 та машина-механизм, 70 нафар малакали ишчилар меҳнат қилишмоқда.

Ушбу лойиҳа доирасида умумий узунлиги 21 км.ли ичимлик суви тармоғи ва 4 та сув кўтариш иншоотлари тўлиқ реконструкция қилинади. Лойиҳа умумий қиймати 68,167 млрд. сўмни ташкил этади. Ҳозиргача ушбу объектда траншеялар кавланиб, сув тармоғи ётқизилмоқда, 4 та кўтарма насос станцияларида реконструкция ва курилиш ишлари «Жиззах 21-трест» МЧЖ пудратчи ташкилоти томонидан амалга оширилмоқда.

Бундан ташкари Инвестиция дастури дои-



расида вилоятнинг Зарбдор туман марказида 7.2 км ичимлик суви тармоғи ҳамда сув иншоотлари реконструкцияси режалаштирилиб, бугунги кунда 6.9 км ичимлик суви тармоғи, 5 та скваженани реконструкция қилиш, 5 дона уйча куриш, 3 дона минора ўрнатиш, 3 дона ТП ўрнатиш ҳамда АБК биноси курилиш ишлари амалга оширилди.

Республика Президентининг жорий йил 30-31 январь кунлари Жиззах вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлари ва “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан Жиззах вилоятидаги 1051 та кўп хонадонли уйларни таъмирлаш юзасидан ҳудудлар кесимида 2019 йил дастурига асосан жами 129 млрд. 89 млн. сўм тижорат банкларининг кредит маблағлари ҳисобидан ажратиш режалаштирилган.

Ҳозирги кунда тижорат банклари томонидан 26 млрд. 892 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди:

364 та кўп хонадонли уйларнинг 268082 м<sup>2</sup> том қисмлари, 488 та кириш йўлаклари таъмирланди, 345 та кириш йўлакларига темир эшиклар ўрнатилди, 232 та электр тақсимловчи шитлар, 1505 п.м. ичимлик суви тармоқлари ҳамда 6858 п.м. оқава сув тизимлари таъмирланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги қарорига асосан 2019-2021 йилларда “Жиззах шаҳрида канализация тизимини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш белгиланган бўлиб, лойиҳа доирасида кунига 30 минг м<sup>3</sup> қувватга эга бўлган “оқава сув тозалаш иншооти” ва 61,3 км тармоқларни, шундан 18,2 км оқава сув тармоқларини реконструкция қилиш ҳамда 43,1 км янги оқава сув тармоқларини куриш режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, Жиззахда иш қизғин. Одамлар яратилаётган шароитлардан мамнун. Эртанги кун бугунгидан-да яхшироқ бўлишига тўла ишонч билан яшашмоқда.

**Ш.РАДЖАБОВ, К.ҮЛМАСОВ**